

PEDAGOGICAL SCIENCES

WAYS TO IMPROVE THE SYSTEM OF ENVIRONMENTAL EDUCATION FOR STUDENTS IN EXTRACURRICULAR ACTIVITIES

Allayarov M.

Senior Lecturer, Department of Pedagogy, Nukus State Pedagogical Institute

SINFDAN TASHQARI ISHLARDA O`QUVCHILARGA EKOLOGIK TA`LIM-TARBIYA BERISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING YO`LLARI

Аллаяров М.Ж.

катта ўқитувчи, Педагогика кафедраси, Нукус давлат педагогика институти

DOI: 10.24412/3453-9875-2021-72-2-37-38

Abstract

This scientific article seeks to increase the systematic technologies of environmental education of young people through good methods. At the same time, teaching technologies have been developed separately and ways to use them in environmental education of young people are shown.

Аннотация

Данная научная статья направлена на совершенствование систематических технологий экологического просвещения молодежи с помощью хороших методов. При этом отдельно разработаны обучающие технологии и показаны пути их использования в экологическом просвещении молодежи.

Keywords: Nature, education, environment, student, pedagogy, environmental education, homeland, school.

Ключевые слова: Природа, образование, окружающая среда, ученик, педагогика, экологическое образование, Родина, школа.

Қорақалпоқ мактабларида бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданиятини ҳар томонлама шакллантиришда унинг шаклланганлик даражалари туғрисидаги маълумотларга ҳам ега булишимиз керак булади. Чунки, бошланғич синфлар ўқувчиларида экологик маданиятнинг дастлабки элементлари пайдо булади. Улар табиат, унинг гузаллигини образли тафаккур ёрдамида ҳис этади. Бу жараёнда ундаги дастлабки экологик маданият элементлари табиатни асраш, ундан завқланиш ҳисси сифатида намоён булади. Бу ҳиссиётлар ўқувчининг экологик маданиятини босқичма-босқич ривожлантириб, меҳнат қилиш, табиатни авайлаб асраш иштиёқини янада ривожланишига олиб келиши мумкин. Чунки ўқувчиларда экологик маданиятни таркиб топтириш уларнинг ҳаётда уз уринларини топиш, моддий оламни тушуниш, Ватан ва ватанпараварлик туйғусини қарор топтиришга ёрдам беради. Ўқувчи кундалик турмуш, оила, маҳалла, мактабда атроф-муҳит экологиясини тушуниб етишга интилади. Бу соҳадаги фикрлар олимлар уртасида кенг муҳокама қилиниб келинмоқда. Шунга кура ўқувчиларда экологик маданиятни таркиб топтириш икки томонлама аҳамиятга ега:

1. Ижтимоий ҳаёт, табиий бойликлар жамият тараққиётига таъсири сифатида.

2. Жамиятнинг асоси булган оила ижтимоий ҳаётини узгартириши нуктаи назаридан намоён булади.

Ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш даражалари турлича:

1. Дастлабки даража-ўқувчига руҳий-ҳиссий таъсир етиш. Бу таъсир табиатга муҳаббат, унинг гузалликларидан завқ ола билиш, таъбиат оламига муҳаббат туйғусининг пайдо булишидан бошланади.

2. Иккинчи даражаси ўқувчига табиатни асраш ва унга оқилона муносабатда булиш ҳиссини таркиб топтиришдан иборатдир. Бу таъсир табиат билан фаол ҳаётий муносабатда булиш, яъни унинг бойликларига маънавий-ахлоқий ёндашиш куникмаси орқали намоён булади. Бунда ўқувчида табиат ва кишилиқ жамияти олдидagi бурч ҳисси қарор топтирилади.

3. Учтинчи даражаси экологик маданиятни шакллантириш мақсадларини ўқув фани мақсадлари билан уйғунлаштириш билан амалга оширилади. Бунда экологик маданиятни шакллантиришнинг руҳий-ҳиссий қирралари ривожланиб ўқувчининг кейинги ҳаёт фаолияти учун асос булади.

Экологик маданиятни таркиб топтириш даражалари бу илгариги қарашлар нуктаи назаридан табиатни инсон хоҳиши асосида буйсиндириш эмас, балки унинг инсоннинг турмуш шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилган, инсоннинг табиатга булган муносабатини маданиялштирадиган, яъни инсон ва табиат муносабатларини мувофиқлаштириш, уйғунлаштиришга қаратилган педагогик таъсирдир. Ҳозирги вақтда инсон фақат табиатга таъсир етибгина қолмасдан, табиат-инсон орасидаги мувозанатни меъёрлаштиришга ҳаракат қилади.

Тадқиқотимизда қорақалпоқ мактабларининг бошланғич синфўқувчиларида экологик куникмаларни ривожланиши учун синфдан ташқари

машғулотлар жараёнида ҳам уларга экологик тәлим-тарбия бериш имконияти мавжуд. Уқувчилар бу даврда атроф-муҳитга маданий муносабатда булиш меъёрларини ургана бошлайдилар. Усимлик ва ҳайвонлар дунёси билан яқиндан танишадилар, табиат манзараларини кузатишга одатланадилар. Бу жараёнда уқувчиларнинг табиатни англаш куникмалари ривожланиб, уларда меҳнатга булган лаёқат қарор топа бошлайди.

Ҳар бир шахс узини жисмоний, руҳий, манавий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик маданият атдан намоён етмоғи лозим. Шахс онги, фаолияти, тафаккури тараққиётини унинг моддий-манавий, табиий бойликлар, ижтимоий ва иқтисодий тузумга булган муносабати белгилайди. Агар шахс жамиятда мазкур масалаларга ижодий ва ижобий муносабатда булса, уларнинг ривожланиши учун бевосита амалий тәсир етса, уларнинг дунёқараши шаклланади. Жамият ва инсоният учун зарур булган табиатнинг купкиррала қадриятларини тушуниш шахсий гигиена қоидалари, тозалик, озодликка риоя этиш малака ва куникмаларини таркиб топтириш, атроф-муҳит билан муносабатда булиш қоидаларини ургатиш, табиатга муҳаббат қуйиш эҳтиёжларини ривожлантириш, табиатни сезиш, авайлаб-асраш ва уни бойиши, купайишига онгли равишда ҳисса қушиш, табиат гузаллигидан илҳомлана олиш туйғусини шакллантиришдан иборатдир.

Бошланғич синф уқувчиларида дарсдан ташқари машғулотларда экологик онг ва маданиятни тарбиялаш мураккаб ва узига хос тизимга га булиб, улар бир-бири билан узаро алоқада амалга оширилади.

Ёшларнинг экологик онгини шакллантиришдаги юқоридаги омиллар ичида мактабнинг тарбиявий иш фаолияти асосий уринни егалайди. Мактабларда амалга ошириладиган экологик йўналишдаги тәлим-тарбиявий ишлар уқувчининг хулқ-атвори, ҳиссиётига тәсир қилади. Шу орқали экологик маданият элементлари шакллантирилади. Экологик тарбиянинг юқоридаги курсаткичи экологик маданият ҳисобланади.

Бошланғич синф уқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқдир:

-экологик ҳолатни баҳолаш қобиялитига ега булиши:

-табиат ва жамият қадриятларининг ранг-баранлигини ҳис этиши;

-гузалликни сезиши;

-жамият ва табиат ҳодисаларини англаб этиши кабилар.

Ўқитувчи уқувчидаги шахсий иқтидорни ҳис этиб, уни ривожлантириши керак. Экологик билим,

куникма ва малакаларни амалий фаолиятда қўллай олиш учун уқувчиларга қўлай шарт-шароитлар яратиш лозим.

Ўқувчи онгида дарсдан ташқари машғулотларда экологик билим, куникма ва малакаларни босқичма-босқич шакллантириш тамойирили асосида амалга оширилиши лозим.

Табиат ва жамият ҳодисаларини онгли равишда идрок этиш экологик маданиятнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Бу жараёнда табиат ва жамият ҳодисаларини билиш қонунияти асосида бола шахсида дунёни, уз-узини англаш, уз-узини шакллантириш вужудга келади. Шунинг учун идрок этиш экологик онгининг асосий белгиси ҳисобланади. атроф-муҳитни экологик идрок этиш жараёни экологик талқин этиш билан яқунланади. Унда уқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий, тажрибаси, маданият даражаси, экологик идеал инсон булади. Албатта, бу уринда изчил мақсад сари йўналтирилган, онгли равишда мазмунан мукамал шакл ва усуллар уқувчи билим, куникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи, ташқи тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилиши юқори самара беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Abdullah E. (2011). Integration of environmental knowledge across biology, physics and chemistry subject at secondary level in Malaysia. *Procedia-Social and Behavioural Sciences*, 15, 1024-1028.

2. Абдрашитова И.В. Формирование нравственного и эстетического компонентов экологической культуры студентов педвуза: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Казань, 2004. – 22 с.

3. Авазов Ш. Қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тарбиялаш: Пед. фан. ном. ... дис. Ташкент, 1993. – 161 б.

4. Aleksandr, R. & Poyyamoli, G. (2014). The effectiveness of environmental education for sustainable development based on active teaching and learning in high school is an example from the Puducherry and Cuddalore provinces of India. *Journal of Sustainability Education*, 7.

5. Алауадинов С. Исломи дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизмлари: Пед. фан. фалс. д-ри (PhD) - Нукус, 2019. – 158 б.

6. Алеуов У. Қарақалпақ халқиниң педагогикаси жаслардың мийнет тарбияси ҳаққинда. Қарақалпақ халқиниң этнопедагогикаси. Мақалалар топлами. Нөкис: Билим, 1995. – Б. 27-36.

7. Алеуов У. Қарақалпақ халқиниң жасларға экологиялық тарбия бериў дестўрлери // Вестник ККО АНРУз. Нөкис, 2001. № 1-2. Б. 82-91.